

## ПСИХОАНАЛИЗ ВА КОЛЛЕКТИВ ҒАЙРИШУУРИЙЛИК НАЗАРИЯЛАРИНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТИГА ДОИР

**Мавлон БОБОХОНОВ**

доцент

Шароф Рашидов номидаги  
Самарқанд давлат университети  
Самарқанд, Ўзбекистон  
[mboboxon35@gmail.com](mailto:mboboxon35@gmail.com)

### Аннотация

Мақолада асарни таҳлил қилишда психоанализ ёки коллектив ғайришуурийликнинг афзалликлари, психологизмнинг шакл ёки мазмун ходисалари билан боғлиқлиги ҳақида турли нуқтаи назарларни умумлаштиришга ҳаракат қилинган. Ўзбек романларида персонажларнинг ички дунёси тасвири ва уни таҳлил қилиш йўллари бўйича ўтказилган сўровнома натижалари келтирилган. Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма” романида тасвирланмаган “Қўланка” образи қаҳрамон онгида мавжудлиги исботланган.

**Таянч сўзлар:** психоанализ, ғайришуурийлик, архетип, психологизм, психологик роман, қаҳрамон ботини.

## О СООТНОШЕНИИ ТЕОРИЙ ПСИХОАНАЛИЗА И КОЛЛЕКТИВНОГО БЕССОЗНАТЕЛЬНОГО

**Мавлон БОБОХОНОВ**

доцент

Самаркандский государственный университет  
имени Шарофа Рашидова  
Самарканд, Узбекистан  
[mboboxon35@gmail.com](mailto:mboboxon35@gmail.com)

### Аннотация

В статье предпринята попытка обобщить различные точки зрения на преимущества психоанализа или коллективного бессознательного в анализе произведения, связь психологизма с явлениями формы или содержания. Представлены результаты опроса по изображению внутреннего мира героев и способов его анализа в узбекских романах. Выявлено, что в романе «Не бойся» Джавлона Джовлиева образ «Тени», не изображенный в динамике, присутствует в сознании главного героя.

**Ключевые слова:** психоанализ, бессознательное, архетип, психологизм, психологический роман, внутренний мир героя.

Швейцариялик психиатр ва педагог, аналитик психология асосчиси Карл Густав Юнг тадқиқотлари дунё юзини кўрганидан буён ярим асрдан зиёд вақт ўтди, лекин унинг ғоялари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳанузгача психолог ва файласуфлар ўз тадқиқотларида унинг ғояларига

таянадилар. Мисол учун, “фольклоршунослик ва антропологиянинг ғоялари ва фактик маълумотлари” билан тўлдирилган Юнг назарияси бадий асарлар таҳлилида самарали қўлланилади [7; 478].

Замонавий роман тузилиши анча ўзгаришларга юз тутдики, “воқеа ва фикрлар ҳикоя қилинмайди, балки мураккаброқ тарзда хотирланади: ассоциатив алоқалар техникасига асосланган ҳикоя қилиш тарзи маълум маънода ҳиссий-фикрий жараён имитациясидек таассурот қолдиради” [6; 534].

Инсон ички дунёси теран тасвирланган, характерлар тийнати руҳий таҳлил натижасида ифодаланган романларни ўқир эканмиз, бизни доим санъат асари муаллиф онги ва ғайришуурийлиги ўзаро таъсирининг маҳсулими, деган савол қийнайди. Бадий асарлар таҳлилида ушбу метод қандай устунликлар бера олади ва бу асар поэтикасини англашга қандай таъсир қилади?

К.Юнг фикрича, бадий асар яратишнинг энг муҳим омили онг ва ғайришуурийликнинг ўзаро таъсиридир. Аллақандай синтез, шуур ва ғайришуурийлик комбинацияси, шунингдек, индивидуал хусусиятлар санъат асарларини яратиш учун манба бўлиб хизмат қилади. К.Юнгнинг сўзларига кўра, “ғайришуурийлик ижодий ғояларнинг тубсиз манбаи бўлиб, унинг ифодаси адабиётда, рассомчиликда, мусиқада, рақс композицияларида, эртакларда, мифларда, ибтидоий, қадимги ва замонавий динларда ва ҳоказоларда ёрқин сезилади” [9; 46].

Коллектив ғайришуурийликни К.Юнгнинг архетиплар назарияси нуқтаи назаридан ўрганишда таҳлил ва синтез усулларида фойдаланилди. Герменевтик метод ёш ёзувчи Жавлон Жовлиев ижодини ва “Қўрқма” романи қаҳрамонларида ифодаланган психологик мазмунни тушуниш имконини берди.

К.Юнг бутун диққат-эътиборини коллектив ғайришуурийликка қаратар экан, санъат асарининг манбаи ғайришуурийлик деб ҳисоблайди. Ижод жараёнини тавсифлар экан, К.Юнг бунга икки хил йўл билан бориш

мумкинлигига эътибор қаратади. Биринчи ҳолатда асар муаллифи ижодий жараённинг бошқарувчиси ҳисобланади. У буни атайлаб бошқаради. Иккинчи ҳолатда бадиий асар етакчи ўринни эгаллайди, ижодий жараённинг ўзи муаллифни бошқаради.

Тадқиқот давомида биз асар таҳлилида психоанализ ёки коллектив ғайришуурийлик методларидан бирининг афзаллиги, психологик романлар табиатига аниқлик киритиш, психологизмнинг бадиий асарнинг шакл ёки мазмун ҳодисасига тегишлилиги борасидаги қарашларни умумлаштириш мақсадида Самарқанд давлат университетининг “Филология” ва Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Журналистика” йўналишлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари ўртасида ўзбек романларида инсон ички дунёси тасвири ва уни таҳлил қилиш йўлларига бағишланган сўровнома ўтказдик. Сўровноманинг илк саволига берилган жавоблардан кўриниб турибдики, респондентларнинг кўпчилиги (58,7%) *адабий қаҳрамонлар ички дунёси чуқур тасвирланган психологик романларни ёқтиришини* таъкидлади. Иштирокчиларнинг 32,2 фоизи шундай романларга бироз қизиқишларини маълум қилган бўлса, 8,3 фоизи унчалик хушламаслигини билдирган (1-расм).

1-расм.

09.04.2022, 21:42

Новая форма


## Новая форма

122 ответа

Адабий қаҳрамонлар ички дунёси чуқур тасвирланган психологик романларни ёқтирасизми?

[Копировать](#)

121 ответ



Ўзбек адабиётида кўплаб психологик романлар яратилган. Абдулла Қодирийдан бошланган қаҳрамонлар руҳиятини чуқур тасвирлаш анъанаси

Ўтган асрда маҳоратли ўзбек адиблари томонидан юксак тарзда давом эттирилди. Ўзбек китобхони жаҳон адабиётининг нодир намуналари қатори ўзбек тилида яратилган қатор психологик романларни ўқишга муваффақ бўлди. Албатта, қаҳрамонлар ички дунёси теран тасвирланган романлар жуда кўп. Бироқ, сўровномада иштирок этганларнинг 62,5 фоизи “Ўтган кунлар”, “Лолазор”, “Отамдан қолган далалар”, “Қўрқма” каби ўзбек романларини психологик роман дея тан олган (2-расм).


2-расм.



Тадқиқотнинг алоҳида эътиборга лойиқ масаласи – бу психологизмнинг бадиий асардаги шакл ёки мазмун ҳодисасига тааллуқли эканлигидир. Тадқиқотчиларнинг аксарияти ва умуман оддий китобхонларнинг кўпчилиги инсон руҳияти, унинг ҳис-туйғулари тасвири устунлик қилганлиги учун психологизмни мазмун ҳодисасига тобе деб ҳисоблашади (3-расм). Бу сўровноманинг шу саволига берилган жавоблардан ҳам кўриниб турибди. Респондентларнинг 79,2 фоизи психологизмни шакл ҳодисаси деса, 12,5 фоизи уни хронотопга тегишли деб ҳисоблар экан. Аммо бадиий психологизм характерлар ички дунёсининг тасвири бўлганлиги сабабли иштирокчиларнинг бор-йўғи 8,3 фоизи маъқуллаган шакл ҳодисаси ҳисобланади. Аслида эса, психологизм шакл ҳодисаси саналади.

Психологизм бадиий асар структурасидаги қайси ҳодисанинг таркибий қисми ҳисобланади?

120 ҷавоб



Мазкур тадқиқот муаллифи бир неча йил аввал эълон қилинган “Психологизм ва унинг адабиётшуносликка оид тушунчалар системасида тутган ўрни” номли мақоласида ушбу масалага ойдинлик киритиб ўтган эди [2].


Психологизмнинг адабиётшунослик тушунча ва категориялари тизимидаги ўрнини аниқлар эканмиз, аввало, унинг персонажлар ички оламини тасвирлаш эканлигини, ўз навбатида, персонажлар образини адабиётшуносликда бадиий шаклнинг предметли тасвирийлик [3; 181] (ёки А.Б.Есин айтганидек, тасвирланган олам) [5; 86] жиҳатиغا тегишли деб ҳисоблаш қабул қилинганлигини тан олиш керак. Шу маънода, психологизм бадиий шаклнинг алоҳида сифати деса бўлади. Психологизм қайсики асарларда услубий доминанта бўлса, бадиий шакл бу уч жиҳатнинг барчасини қамраб олиши ва турли-туман бадиий воситалару усуллар билан тақдим этилиши мумкин.

Сўровноманинг “нималар кўпроқ ва чуқурроқ тасвирланса, роман янада қизиқарли бўлади” деган саволга иштирокчиларнинг 70,2 фоизи “инсон руҳияти, ички дунёсидаги тебранишлар” жавобини белгилаганки, бу психологизмнинг бадиий асар муваффақиятини таъминловчи алоҳида таркибий қисмлигидан далолат беради (4-расм).

Нималар кўпроқ ва чуқурроқ тасвирланса роман янада қизиқарли бўлади?

 Копировать

121 ответ



Компания Google не имеет никакого отношения к этому контенту. [Сообщение о нарушении](#) - [Условия использования](#) - [Политика конфиденциальности](#)

### Google Формы


Мазкур тадқиқотдан кўзланган бош мақсад – қаҳрамонлар ички дунёси теран тасвирланган асарлар таҳлилида қайси метод кўпроқ қўл келиши борасида сўровнома иштирокчиларининг фикрини билиш ва шу орқали ушбу масалага ойдинлик киритиш. Иштирокчиларнинг аксарияти ушбу масалада австриялик руҳшунос Зигмунд Фрейднинг “психоанализ” методини маъқуллади (5-расм). Ушбу усул тарафдорлари 74,2 фоизни ташкил этди.

**5-расм.**

Қаҳрамонлар ички дунёси теран тасвирланган асарлар таҳлилида қайси метод кўпроқ қўл келади?

 Копировать

120 ответов



Асарлар таҳлилида биографик методни қўллаш тарафдорлари 16,7 фоиз бўлса, Зигмунд Фрейднинг шогирди ва издоши Карл Юнгнинг “коллектив ғайришуурийлик” методи энг кам – 9,2 фоиз овоз олган.

Ушбу саволга берилган жавоблар иштирокчиларнинг деярли барчаси психоанализ методи ҳақида кўп ўқиган ёки бу ҳақда кўп эшитганлигидан далолат беради. Аслида эса психологик романлар таҳлилида коллектив ғайришуурийлик методининг айрича устунлик жиҳатлари борки, муайян асар таҳлилида бу яққол кўзга ташланади.

Бадий асар яратиш ёзувчи ички дунёсига табиий тарзда таянадиган ўз-ўзини ифодалаш фаолиятининг бир туридир. К.Юнг муаллиф шахсининг ўзгача бир қизиқарли талқинини таклиф қилади. Муаллиф “ўз мақсадига эргашган одам эмас, балки ўзи орқали санъатнинг ўз мақсадига эришишига имкон берувчи шахсдир” [10; 109]. К.Юнгнинг ёзишича, адабий асар муаллифи ижодий шахс сифатида олий маънода “одам” – у “жамоавий одам”, инсониятнинг ғайришуурий руҳий ҳаётининг двигатели ва темирчисидир.

Ўзи ишлаб чиққан рамз ва белгилар орқали адабий таҳлил қилиш усули К.Юнг назариясининг афзалликларидан биридир. Бу техника илдизи ғайришуурийликка бориб тақаладиган мифологик тасвир ёки универсал инсоний рамзлар орқали яширин маънони излашга ёрдам беради.

К.Юнг коллектив ғайришуурийлик назариясининг асосий таркибий қисмлари сифатида эго, архетип, персона, кўланка, анима ва анимус тушунчаларини қўллайди. Ижод учун у ёзувчиларга қандай арсенал беришини ва бу компонентлар муаллиф шахсиятининг ривожланишига қандай таъсир қилишини кузатиш қизиқ хулосаларга олиб келади. Келинг, онгнинг таркибий қисми – эгодан бошлаймиз.

Юнгнинг фикрича, эго онг майдони соҳасининг ўзига хос марказини шакллантиради ва эмпирик шахсиятни, онг барча шахсий ҳаракатларининг эго-субъектини ўз ичига олади. Эго инсон ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Жамиятдаги меъёрлар, қоидалар, анъаналардан хабардор бўлиб, уларга риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди. Айни вақтда, онг ва ғайришуурийлик ўзаро таъсирининг бир нечта вариантлари мавжуд. Биринчидан, эго шунчалик кучлики, одам ғайришуурийлик мавжудлигини сезмайди ва у билан алоқага киришмайди. Бундай ёзувчи жамият томонидан

тан олинган ва маъқулланган асарлар яратиши мумкин. Аммо кейинги авлод у ҳақида ҳам, унинг асарларини ҳам унутади.

Иккинчидан, ғайришуурийлик таъсири ва қуввати шунчалик кучли бўлиши мумкинки, онг билан ўзаро алоқа натижасида унинг бошқарувини йўққа чиқаради. Бундай вазиятда муаллифни “восита”га айлантирадиган ижодий жараён юзага чиқадики, жамият янги ғоялар, идеаллар, янги қаҳрамонлар образи билан бойийди.

Коллектив ғайришуурийликда К.Юнг архетиплар деб аталадиган таркибий қисмларни ажратиб кўрсатди. У архетипларнинг бир нечта таърифларини келтиради. Архетиплар – бу “руҳий мазмун синфи бўлиб, воқеалари алоҳида шахсда ўз манбасига эга эмас. Бу мазмуннинг ўзига хослиги бутун инсоният хусусиятини ўзида мужассам этган турга мансублигидадир. Агар халқлар тарихида архетиплар миф шаклида учраса, демак, улар ҳар бир шахсда бўлади ва онг чекланган ёки заифлашган жойда энг кучли ҳаракатланади, шунинг учун фантазия ташқи дунё реаллигини бўғиб қўйиши мумкин” [12; 71]. Шуниси эътиборга лойиқки, XX аср бошларида Абдулла Қодирий ўзбек аёлининг архетипини шу қадар яхши ифодалай олганки, аксарият хотин-қизларимиз ҳали ҳануз ўзларини Кумушга менгзайдилар. Бадиий матнда ёзувчи ўз эгосининг маданий-тарихий хусусиятларини қайд этади. Ижодкор уларни нафақат қаҳрамонлари орқали ифодалайди, балки ҳаётда уларга эргашишга ҳам интилади. А. Қодирий ўз асарларида ўзбек халқининг архетипик хусусиятларини ўз қаҳрамонлари образи орқали акс эттирган. Натижада унинг кўплаб издошлари пайдо бўлди ва ўзбек романчилиги шаклланди.

К.Юнг назариясининг таркибий қисми сифатида кўланка кўп жиҳатларга эга. Кўланка жамият томонидан қораланадиган, инсон ўзида рад этган салбий иллат ва хусусиятлардан (масалан, очкўзлик, ғазаб ва нафрат) иборат. Болалар ёшлиқданоқ жамиятда бу ҳис-туйғуларни онгли равишда бостиришга ўргатилади. Онг томонидан бостирилган салбий фазилятлар ғайришуурийликка ўтади ва “Мен”имиз қисмлари сифатида тан олинмайди.



Юнг ишлаб чиққан шахсият моделига кўра, кўланканинг мазмуни регрессияга учрайди ва руҳиятда ақлни енгиб ўтиши мумкин бўлган махсус кувватга эга бўлади. Бадий асарларда қаҳрамон ўз кўланкасини қандай бошқариши баён этилган мисоллар кўплаб учрайди. Бундай асарлар аксарият ҳолларда нореал, муаллифнинг онгли ҳаёти ва дунёсига алоқаси йўқдек туюлади (Кафканинг “Эврилиш”ини эсланг.). Аммо улар қаҳрамонларнинг ҳақиқий инсоний руҳияти ҳақидаги реал воқеалар сингари акс садо беради.

К.Юнг индивидуаллаштириш тушунчасини ишлатади. Унинг нуқтаи назарича, индивидуаллаштириш – “индивидуал шахсни ривожлантириш мақсадидаги фарқлаш жараёни” [11; 97]. Индивидуаллаштиришни у “туғма индивидуал сифатлар амалга ошириладиган психологик ривожланиш жараёни; бошқача айтганда, инсоннинг аслида мавжуд ўзига хос, ноёб нусхага айланиш жараёнидир” [11; 99], дея тавсифлайди.

К.Юнг томонидан ишлаб чиқилган бадий асарга ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундаки, Юнг адабиёт замон ва даврнинг типик, яққол намоён бўлган хусусиятларини тасвирлашини аниқлади. Бунга онг ва ғайришуурийликнинг ўзаро бир-бирига таъсири орқали эришилишини исботлади. К.Юнг жаҳон адабиётининг сара намуналари ҳисобланадиган машҳур асарларни таҳлил қилди. Бу унинг таҳлил усули аҳамиятини оширди, ғоялари қандай ишлашини кўрсатиш имконини берди. Нитше сиймосини таҳлил қилар экан, у муаллиф психологик портретини яратди, унинг ривожланиш муаммоларини кўрсата олди. Ж.Жойснинг “Улисс” романи таҳлили орқали коллектив ғайришуурийлик назариясининг имкониятларини намоён қилди [8; 340].

Юнг методологиясидан келиб чиқиб, “Кўркма” романида учрайдиган “кўланка” образлардан бирининг таҳлиliga киришамиз. Бадий асарнинг муваффақияти инсондаги онг ва ғайришуурийликнинг ўзаро таъсирига боғлиқ. “Кўркма” романида ўзининг алоҳида тақдири ва дунёга индивидуал нуқтаи назарига эга қаҳрамон образини яратиш, воқеаларни ҳикоя қилиш вазифаси топширилган “Мен”нинг матн ичида намоён бўлишини, дунёни

Ўзича идрок этаётган индивидуал онг фаолиятини тақозо этган. Бош қаҳрамон мемуар асардаги сингари ўз таржимаи ҳолини бошдан охир тўқиб солмайди. Асар воқеалари унинг ҳаётини остин-устун қилиб юборган ва шахсий тажрибасида мислсиз кўргуликка айланган биргина драматик воқеа – шўро тузумининг Германияда таҳсил олаётган йигит-қизларни ўз домига илинтириш ишига катта бобосининг (Кўланка образи) қўшган фожей ҳиссаси атрофида айланади. Асарнинг сюжет-композицион қурилишидаги парокандалик, воқеалар хронологиясининг атайлаб бузилиши, исталган жойидан, қурамадек тартибсиз кетма-кетликда баён қилиниши шу вазифага хизмат қилган.

“Кўркма” романида юқорида таъкидланган кўланкага мисол бўладиган образ асарнинг бошқа қаҳрамонлари сингари динамик ҳаракатда тасвирланмайди. Сюжет ўзагини ташкил этган воқеаларнинг бирортасида у алоҳида характер сифатида бўй кўрсатмайди. Аммо унинг образи асарда мавжуд. У бош қаҳрамон онгида яшайди. Биринчи марта бу “кўланка”га романнинг илк саҳифаларида, ота-онасидан эрта айрилган қаҳрамон хотирасида ғужғон ўйнаётган ассоциациялар орқали ишора берилади: “Эскидан қолган бир капгир қарғиш бадалига ҳаво ўтиб турар эди томоғимдан кум сизгани каби чанқаган саҳройи танасига. Аммо бу лаънат эгасининг қабри қани, қаердан келмоқда балолар? Ҳеч билмас эдим, топа олмасдим қанча қидирмай” [4; 6]!

Худди шу хитоб орқали кетма-кет бошига тушаётган кўргуликлар, тақдир зарбаларига оламдан ўтиб кетган катта бобосининг қачонлардир миллат, халқ учун кечириб бўлмас мудҳиш сотқинлиги сабаб эканлигига ва ўша “кўланка”га аталган қарғишлар унинг бутун авлодини таъқиб қилиб келаётганига урғу берилади.

Бироз ўтиб, болакай қаҳрамоннинг саволларига бувиси берган жавобдан “Кўланка” кимлиги ойдинлашгандек бўлади: “Мен доим ичимдаги саволларга жавоб изладим: “Ким ва улар қаерда?”

Момом жавобдан қочиб жеркиб қоларди:

– Бор, бор-эй, калламни ёқиб единг! Муштдай бўлиб ёмон саволлар берасан, ким ўргатяпти сенга?

– Билмайман, ўзи келади, момо... – кейин яна тилимни тия олмайман. – Отангиз ким ўтган ўзи? Унинг балоси ураётгандир менга?

– Нима?! – кўк кўзлари чакнаб кетади, сўнг тезакни сомонга зарб билан уриб, жаҳл билан бақиради:

– Тил теккизма отамга! Улар ер тирнаган – деҳқон бўлган! Кўп кун кўрмай эрта ўлган, бечора. Гуноҳ қилиш учун ҳам яшаш керак. Ҳов, ана бобонгдан сўра, не бало келса, бошимга ундан учади” [4; 7].

Шу тариқа, “Кўланка” образи роман қаҳрамонининг бошқалар билан суҳбатлари асносида қад кўтаради. У асар ичига сочилиб кетган образ. Фақатгина роман бош ғоясини очиш, асардан кутилаётган иддаони англатиб туриш учун у тез-тез эсга олинади: “Шунда Сталин бобо ҳам ғазабдан ёниб-ёниб, талабаларга ташланади. Кўзи қамовга бўри тушгандай ҳаммаёқ қонга беланади. Сўнг талабаларни кўмиб, устидан “Тошкент-70” навли пахта уруғини экиб юборади. Талабаларни сотган хоинларнинг эса кўксига темирча тақиб, талабаларнинг қонидан нишлаб қолган пахтани чопиқ қилишга юборишади.

– Етмиш баҳодирнинг кучи етмадими?

– Орадан бир сотқин чиқади – қизил аскар.

– У ўрис бўлганми ё хитой?

– Ўзбек, шўринг қурғур ўзбек. Қора қош, қора соч, қора кўзи ўйилгур сотқин баҳодирларни чоҳга бирма-бир кўзларини боғлаб олиб боради.

– Сизнинг отангизми шу, қизил аскарми, бобо? Менга чинини айтинг?

Гап унга бориши билан бобом думини буриб қочади” [4; 29].

Шу ўринда Кўланка – қизил аскар образига бироз тўхталиб ўтсак. Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари, яъни бундан юз йил муқаддам кўплаб ота-боболаримиз, ҳатто момоларимиз юрт эркини қалбига жо айлагани учун турли баҳоналар билан қораланиб, авахталарга тиқилган. Жуда кўпчилиги отувга ҳукм қилинган. Ачинарлиси, ўз Ватанида яшаган, меҳнат қилган ўша

инсонларга “босмачи” тамғаси босилган. Ваҳоланки, улар ҳеч қаердан келиб бу юртни босмаган эди. Сир эмас, жуда кўп фильмларда босмачиларни ваҳший одамлар сифатида кўрсатиб, уларга нисбатан бир неча авлодда нафрат уйғотилган. Ваҳоланки, улар мана шу тупроқ учун қайғурган, уни босқинчилардан озод қилишга тиришган чинакам ватанпарвар боболаримиз эди. Юртимиз озодлиги учун курашган, унинг тупроғига ғайридинлар оёқ қўйишига тиш-тирноғи билан қарши бўлган, шу йўлдаги уринишлари учун “босмачилар ҳаракати” дея ном олган ватандошларимизнинг пок номлари бугун тикланмоқда [1].

Танганинг иккинчи томони ҳам борки, кўплаб ўзбеклар шўро армияси сафида туриб ана шу юртдошларимизга қарши қурол кўтарганлар, уларнинг кўпчилигини ўша даврдаги учлик судларига тутиб берганлар, ўз биродарларига сотқинлик қилганлар. Романда ана шу тоифа ва уларнинг авлодлари зиммасидаги ювса кетмас иснод ҳақида сўз очилади. Шу орқали ўқувчи тасаввурида Кўланка образи тиниқлаша боради:

– Сизнинг отангиз, менинг катта бобом ким, энасини эмсин, айтинг?

– Сўқинишни кимдан ўргандинг?

– Сиздан-да! Ҳар доим отангизни сўқасиз-ку. Мен эшитаман. “Падаримга лаънат!” дейсиз, ҳеч ким ундай отасини сўқмайди, сиз шундай дейсиз!” [4; 32].

Роман ичида шарпадек кезиб юрган, матнда онда-сонда учраса-да, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини очишга катта ҳисса қўшган бу образ ўз ота-боболаларининг қилмишларидан боши ҳам одамларнинг ўй-хаёлларидаги архетиплардан бири сифатида аҳамиятлидир. Архетиплар ҳақида Карл Юнгнинг юқорида келтирилган “ўтмишдаги кечинмаларнинг таъсири ёки қолдиғи” деган фикрига қўшиладиган бўлсак, “Кўланка” тимсолида бугунги авлодлар ўтмишда йўл қўйилган энг пасткаш ва қабиҳ жиҳатларини дарров таниб олаётганини тан олишимиз керак.

Нима бўлганда ҳам, кўп сонли халқимизнинг ичидаги дардига, бировга айтишга ийманадиган ҳасратига, қони қуримаган ярасига, ювиб бўлмас

иснодига айланган миллат хотирасидаги бу доғлар унинг ойдин фикрли фарзандлари тилида суронли ҳайқирикқа айланиб, ҳали кўп замонлар аксадо бериб туришига шубҳа йўқ.

“Кўркма” романидаги Кўланка образи китобхонларни ҳар бир шахс тийнатидаги ана шу икки кутб – эзгулик ва ёвузлик курашидан огоҳ этади. Ўзи асарда мавжуд бўлмаса-да, персонажлар хатти-ҳаракатлари ва бош қаҳрамон ғайришууридаги фаоллиги туфайли китобхон уни яққол ажратади. Роман охирлаган сайин Кўланка бош қаҳрамоннинг иккиланган ўзлиги эканлиги маълум бўла бошлайди.

Роман қаҳрамони гўёки икки умрни бошдан кечиради. Бири ҳозирги замондаги талаба бўлса, иккинчиси, юз йил аввал яшаган бобосининг умри. У савқитабий тарзда Германиядаги ўзбек ёшларини шўро ҳукуматида сотган бобоси унинг ўзи эканлигини сезиб қолади. Ўзидан, яқинларидан (бобоси, амакилари) нафратланади. Бу авлоднинг яшашга ҳаққи йўқ, деган қарорга келади. Ота-онасининг, бобосининг, ўғил фарзандлари йўқ уччала амакисининг ўлимини ўта енгил қабул қилади. Ана шу саҳналар тасвирида психологизм янада чуқурлашади, қаҳрамон юрак-бағрини ўртаётган руҳий оғриқлар унинг диалогларда айтилган кескин фикрлари, баъзан маъносиздек туюлган хатти-ҳаракатларида акс этади.

Бутун асар давомида қаҳрамонни таъқиб этган Кўланка роман охирида маҳв бўлади. Шу нуқтада мозийда ва бугун юз бераётган воқеалар силсиласидан иборат икки сюжет линияси бирлашиб, хронотоп ягона маҳражга келади. Ўз кечинмаларида, руҳий изтиробларида яшаган Кўланкага кўшилиб бош қаҳрамон ҳам нобуд бўлади.

Роман таҳлилидан кўринадикки, Карл Юнг таклиф этган коллектив ғайришуурийлик тамойилига асосланадиган архетиплардан бири – Кўланка китобхонга асар бош ғоясини етказиш, ўтган ва ҳозирги замонда юз бераётган воқеалар орасида қандайдир боғлиқлик борлигини англатишга хизмат қилган. Жавлон Жовлиев кўллаган ғайришуурийлик призмаси орқали ҳикоя қилиш тамойили миллий характерлар руҳиятини очиш, қаҳрамон онг

оқими тасвири орқали бугунги ўзбек жамиятининг аҳволи ҳақида фикр юритиш имконини берган.

Тадқиқотимиз доирасидаги сўровномада иштирок этган респондентларнинг аксарияти номланиши инсон психикаси билан боғлиқ бўлгани учунгина асар таҳлилида психоанализ методини танлаганликларини кўрсатди. Аслида бадиий асарни К.Юнгнинг ғайришуурийлик назарияси призмасида таҳлил қилиш унинг поэтикаси ҳақида самарали хулосалар чиқариш имконини беришини “Қўрқма” романи мисолида кўрдик. Ғайришуурийлик қаҳрамон ва унинг ҳаётини ишонарли тасаввур қилиш имконини беради. Ижод жараёнига ғайришуурийликнинг аралашуви муаллифнинг бадиий ижоддаги имкониятларини оширади. Юнг назарияси бизни инсоннинг ички дунёси билан ишлашга йўналтиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдураимова Н. Қарийб юз йилдан кейин қарор топган адолат. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. <https://uza.uz/uz/posts/qariyb-yuzyildan-keyin-qaror-topgan-adolat> 296171
2. Бобохонов М. Ўзбекистонда хорижий тиллар // Илмий-методик электрон журнал, 2018. – №1. <https://journal.fledu.uz/ru/psihologizm-i-ego-mesto-v-sisteme-terminov-literaturovedeniya/>
3. Введение в литературоведение: учеб. для филол. спец. ун-тов; под редакцией Г.Н.Поспелова. – Москва: Высшая школа, 1988. – 528 с.
4. Жовлиев Ж. Қўрқма. – Ташкент: Nihol, 2020.
5. Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения: учебное пособие. – Москва: Флинта, 2003. – 248 с.
6. Затонский Д.В. Искусство романа и XX век. – Москва: Наука, 1986. – 534 с.
7. Руссо Дж. Юнгианский анализ гомеровского Одиссея. Кембриджский справочник по аналитической психологии. – Москва: Добросвет, 2000. – 478 с.

8. Юнг К., Нойманн Э. Психоанализ и искусство. – Москва: Рефл-бук, Ваклер, 1998. – 340 с.
9. Hanna B. Animus. Moscow: 2016. Castalia Club.
10. Jung C. G. The Collected Works of C.G. Jung. Princeton: 1969. Princeton University Press.
11. Jung, C. G. Essays on the psychology of the unconscious. Moscow: 2013. Cogito-Center.
12. Jung, C. G. The structure of the psyche and archetypes. Moscow: 2015. Academia project.